

ЎҚУВЧИЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ширинов Музаффар Кучарович

Тошкент Кимё халқаро университети доценти

Бадриддинова Дилноза Нажмиддинова,

Тошкент Кимё халқаро университети тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14575605>

Аннотация: Халқ оғзаки ижоди жанрлари тарбиянинг энг асосий методологик манбаларидан бири бўлиб, мақолада ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиясида халқ оғзаки ижоди жанрларнинг ўзига хусусиятлари ҳақида фикрлар баён этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: тарбия, халқ донишмандлиги, халқ одобномаси, халқнинг педагогик қарашлари, маънавий устуворлик, маънавий-ахлоқий тарбия.

Аннотация: Жанры народного устного творчества являются одним из важнейших методических ресурсов воспитания, и в статье рассматриваются особенности жанров народного устного творчества в духовно-нравственном воспитании читателей.

Основные слова и понятия: Воспитание, народная мудрость, народный этикет, педагогические взгляды народа, духовный приоритет, духовно-нравственное воспитание.

Annotation: The genres of folk oral creativity are one of the most basic methodological resources of upbringing, and the article describes the features of folk oral creativity genres in the spiritual and moral education of readers.

Basic words and concepts: upbringing, folk wisdom, folk etiquette, pedagogical views of the people, spiritual priority, spiritual and moral education.

Кириш

Ўсиб келаётган ёш авлод дунёқараши ва онгини ахлоқий қадриятлар асосида шакллантириш ва амалда қўллашни ўргатиш баркамол авлодни ҳар даврда узвий ўсишини таъминлайди. Халқ педагогикасида тарбиянинг бирламчи, иккиламчиси бўлмайди. Ҳамма нарса ҳисобга олиниши, ҳеч бир соҳа чеккадан қолмаслиги, айни чоғда тарбиянинг ниҳоятда нозик, инжик, мураккаб томонлари эътиборга олинган ҳолда, етти ўлчаб бир кесишга амал қилинади. Шунингдек, халқ тарбиясида кеча, бугун ва эртани ўйлаб иш тутилади, яъни тарбияни ўтмишни унутмаслик, бугуннинг қадрига етишлик, келажакка умид асносида олиб борилади. Унда ҳаёт, табиат ва жамиятдаги ҳар бир воқеа-ҳодиса, предмет, кўриниш қисқаси жонли жонсиз неки бор ундан мукамал фойдаланади. «Ўзбек

халқ педагогикаси» халқ педагогикасининг ажралмас таркибий қисмидир. Унинг қамрови ниҳоятда кенг, бағоят серқирра ва сержило тушунчадир¹.

Адабиётлар таҳлили

Халқ педагогикаси бой илмий-педагогик манбаларга эга. А.К.Мунавваров, К.Ҳошимов, И. Жабборов, И., М.Мўминов, Г.А.Ҳидоят, С.Х.Темурова, З.М.Миртурсунов, Б.А.Қодиров, О.М.Мусурмонова, М.Шербоев, М.Саттор, Т.Жавлиев, М.Очилов, Р.Усмонов, М.Т.Тўлабоев, У.Маҳкамов каби кўпгина олимларимиз томонидан яратилган илмий педагогик адабиётлар халқ педагогикасини ўрганишда муҳим манба саналади. Айниқса, «Ўзбек педагогикаси антологияси», «Педагогика тарихи», «Педагогика» каби дарслик ва қўлланмалардан асосий манба сифатида фойдаланиш алоҳида эътироф эга².

Тадқиқотнинг мақсади: ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ оғзаки ижоди жанрларнинг ўрганиш ва илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ оғзаки ижоди жанрларнинг аҳамиятини ўрганиш долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш ва мазмунини шакллантириш;

- ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ оғзаки ижоди жанрларнинг ўрганиш ва илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг самарадорлигини тажриба синови асосида баҳолаш.

Тадқиқот усуллари: илмий – методик адабиётларни таҳлил қилиш, қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, моделлаштириш, суҳбат, интервью, анкета сўровлари, тестлар, тажриба-синов, математик статистик таҳлил каби тадқиқот ва таҳлил усуллар.

Тадқиқот объекти: ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ оғзаки ижоди жанрларни ўрганиш жараёни.

Тадқиқот предмети: ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ оғзаки ижоди жанрларни ўрганиш жараёнининг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Натижалар ва таҳлил

Халқнинг оилавий-маиший ҳаёти, таълим-тарбиявий ахлоқ-одобга оид ҳаётий йўл-йўриқлари, усуллари, ибратли тажрибаларига оид турфа мисоллар - дostonлар, эртақлар, меҳнат-мавсум маросим қўшиқлари, асotирлар, нақллар, ривоятлар, афсоналар, мақоллар, маталлар, ҳикматлар, қайроқи сўзлар, афоризмлар, топишмоқлар, тезайтишлар, болалар ўйинлари, аллалар, тўй ва аза қўшиқлари, айтимлари, олқиш ва қарғишлар,

¹ Ширинов М.К. Умумий педагогика тарихи. Ўқув қўлланма. - Т.: “Яшил япроқ нашарёти”, 2024. - 366 б.

² Мутолипова М.Ж. Халқ педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: 2015.

суюш-эркалаш кўшиқлари, эркаламалар, овутмачоқлар, қизикмачоқлар, ялинчоқлар, ҳукмлагичлар, чорламалар, чеклашмоқчалар, гулдур-гуплар, санамалар, ўйин-кулгулар билан боғлиқ лапар, айтишув, ўлан, термалар, болалар тарқалиш, чорлаш кўшиқлари рамазон, бойчечак, ёмғир, қуёш, юлдузсув айтимлари, чандишлар, тегишмачоқлар, масҳараламалар, «Наврўз», «Меҳржон», баҳор, куз, қиш, ёз айтим-кўшиқ ашулалари, дехқончилик, чорвадорлик, касб-ҳунармандчилик билан боғлиқ насрий ва назмий асарлар; инсон, табиат ва ҳайвонлар дунёсига оид намуналар ҳамда мифологик тасаввурлар акс этган асарлар билан бойитилган³.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, болаларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришда жамият ва ундаги муносабатлар асосий роль ўйнайди. Бу хусусида Э.Юсупов қуйидаги фикрни билдирган: “Одам ота-онадан туғилади, аммо унинг ахлоқ – одоб борасидаги фазилатлари жамиятда, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатлар таъсирида шаклланади”⁴.

Шу ўринда болаларга ахлоқий тарбия беришдаги баъзи бир муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. -ахлоқий тарбияни мунтазамлилик ва изчиллик асосида олиб бориш. Болаларга ахлоқий фазилатларни ҳаммасини бирданига сингдиришнинг иложи йўқ. Бу фазилатларнинг болаларда таркиб топиш жараёни кўп йилларга чўзилади ва шу боисдан ҳам бу ишда мунтазамлилик бўлиши керак. Тарбиялаш жараёни жуда мураккаб жараён бўлиб, у аста-секин узлуксиз равишда янги малака ва кўникмаларни ўстириш ҳамда мустаҳкамлаб бориш йўли билан амалга оширилади. Бу тарбия жараёнини изчиллигини белгилайди. - болаларга ахлоқий тарбия беришда уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим. Маълумки, болани тарбиялаш иши унинг дунёга келган кунидан бошланади. Бола оилада, боғчада, мактабда, олий ўқув юртида, мустақил амалий фаолияти давомида ҳам тарбияланади. Шунинг учун ҳам болаларга сингдирилган тарбия мазмуни уларнинг ёшига, жисмоний тайёрилиги, тушунчасига, савияси ва имкониятига мос бўлиши керак. -болаларни ахлоқий тарбиялашнинг яна бир муҳим жиҳати уларни тарбиялашда ижобий фазилатларга таяниб иш олиб бориш зарур. Тарбия жараёнида болаларда ижобий фазилатларга таяниш, уларнинг характери ва ҳулиқидаги энг яхши сифатларни топишга интилиш лозим. Болалардаги салбий сифатларга қарши курашишда улардаги ижобий фазилатлардан фойдаланиш яхши самара беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқ наздида, инсон она қорнидан яхши ё ёмон бўлиб туғилмайди — у бирдай туғилади. Ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашда халқ оғзки ижоди жанрларнинг ўрнини илмий назарий жиҳатларига тўхталиб ўтамиз. Халқ оғзаки ижоди

³ Мутолипова М.Ж. Халқ педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: 2015.

⁴ Юсупов Э. Маънавий камолот омиллари. - Т.: Университет, 1995, 3 – бет.

жанрлари аждодлар қолдирган ота мерос—оилавий педагогика, халқ педагогикаси, шунингдек удумшунослик, кадршунослик, элшунослик анъаналари, жамиятнинг бу соҳадаги саъй-ҳаракатлари ҳал қилувчи ўрин тутади. Халқ таъкидлашича, бола бошдан тўғри, ҳаққоний тарбияланса у келгусида яхши инсон бўлиб етишади, эгри йўлда тарбияланса — ёмон кишига айланади. Зеро, «кўчат бошдан, бола ёшдан» мақолига амал қилиш халқ анъанавий педагогикасининг бош йўналишидир⁵.

Шу боисдан, халқ оғзаки ижодида тарбиянинг майда-чуйдаси, яъни бирламчи-иккиламчиси бўлмайди: ҳамма нарсаси ҳисобга олиниши, ҳеч бир соҳа четда қолмаслиги, айтиш мумкин ҳақда тарбиянинг ниҳоятда нозик, инжиқ, мураккаб томонлари эътиборга олинган ҳолда, етти ўлчаб бир кесишга амал қилинади. Характерлиси яна шундаки, халқ тарбияда кеча, бугун ва эртани ўйлаб иш тутади, яъни тарбияни ўтмишни унутмаслик, бугунни қадрига етишлик, келажакка умид асосида олиб боради. Халқ педагогикасининг яна бир ибратли жиҳати бор. Бу ҳаёт, табиат ва жамиятдаги ҳар бир воқеа-ҳодиса, предмет, кўриниш, қисқаси жонли-жонсиз неки бор, ундан мукаммал фойдаланишидир.

Халқ бисотидаги энг яхши табарруқ сўзлар — дуо-олқишлар ҳам тарбияга қаратилади. Дарвоқе, халқ анъанавий педагогикасида яхши сўз, дуо-олқишнинг таъсир кучи, тарбиявий аҳамияти, инсон маънавий устуворлиги, иймон-этикод бутунлиги, қисқаси кишиларнинг ҳар томонлама мукаммал камолоти борасида тутган ўрни ва ролига алоҳида аҳамият берилади.

Эл-юрт учун ҳар томонлама мукаммал инсонни тарбиялашга қаратилган ўзбек халқ педагогикаси ҳам айрим шахслар ёхуд бир-икки жамоа (улар қанчалик иқтидорли-истеъдодли бўлишмасин) томонидан яратилмаган, албатта. Уни халқимиз асру асрлар билан ўлчанувчи ҳаётида ўзининг бой ҳаётий тажрибалари, фарзандлар камолоти борасида тутган тутимлари, саъй-ҳаракатлари, йўл-йўриқлари, ақл-заковатлари билан яратилган.

Халқ оғзаки ижодидаги ахлоқий, ақлий ва жисмоний мактаб бўлган қуйидаги қадриятлар муҳим аҳамиятга эга:

- ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва тарбия усуллари, инсоний қадриятлар ва юртсеварлик тарбияси;
- дўст-биродарлик, аҳиллик, меҳнатсеварлик, касб-ҳунарга муҳаббат, яхшилик ва ёмонликнинг, яхши ва ёмон сўзнинг оқибати;
- ҳалоллик, тўғрилик, олижаноблик тарбияси;
- адолат, инсоф ва инсофсизлик, дўст-биродарлик, оға-иничилик ва қон-қардошчиликнинг аҳамияти;
- ботирлик ва қўрқоқлик, одоб-одобсизлик, меҳмон ва меҳмондўстлик, саҳийлик, бахиллик ва камтарлик, сабр-қаноат ва

⁵ <https://ziyouz.uz/hikmatlar/ozbek-xalq-maqollari/?ysclid=lyskgu2z59521674209>

сабрсизликнинг оқибати;

- кадр ва қадрсизлик, муҳаббат, вафо ва бевафолик, тажрибакорлик, калтабинлик ва ишончсизлик, ор-номус ва номуссизлик, самимийлик ва носамимийлик, андиша ва андишасизлик, фаросат ва фаросатсизлик, тежамкорлик ва исрофгарчилик, режа ва режасизлик, меъёр ва меъёрсизлик, масъулият ва масъулиятсизлик, вақт ва фурсат, фойда ва зарар, соғлом тарбия, тозалик ва озодалик, табиатни эъзозлаш;

- деҳқончилик ва чорвачилик қадриятлари;

- ҳайвонлар, қушлар, ер-сувни эъзозлаш;

- каттага ҳурмат, ёшга меҳр-шафқат;

- йўл ва йўлдош, севинч ва ғам, тўй ва мотам, фарзанд ва фарзандсизлик, кийиниш, сўзлашиш, юриш-туриш, саломлашиш, кўча одоби, овқатланиш маданияти;

- муомала, саёҳат қоидалари;

- ухлаш, ювиниш, жамоат ва катталар олдида ўзини тута билиш фаолияти;

- китоб ўқиш маданияти;

- катталарга қарашиш, уй юмушларини бажариш, дарс тайёрлаш;

- ўзбек тўйлари⁶.

Шунингдек, халқ оғзаки ижоди жанрларидаги анъаналарида қуйидаги одатлар, удумлар, маросимлар ва анъаналар таълим-тарбиявий, педагогик йўналиши ва аҳамиятига эга:

- фарзандларни эстетик идроки, ҳиссиёти ва тасаввурларини ривожлантириш ҳамда мукаммаллаштириш;

- болаларнинг бадий-ижодий қобилиятларини шакллантириш ва камол топтириш;

- эстетик дид асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш;

- эстетик тарбияда болалар ўйин фольклорининг ўрни ва аҳамияти;

- болалар фольклор-этнография дасталари — эстетик тарбия маркази эканлиги;

- ворислик, устоз-шогирдлик анъаналарининг педагогик, ахлоқий-эстетик аҳамияти;

- ёшларни шахс сифатида шакллантириш ҳамда бадий-эстетик тарбиялашда халқ оммавий томоша санъати, яъни цирк, дорбозлик, аския, бахши-шоирчилик, дostonчилик, эртақчилик, қизикчилик, тақлидгўйлик, маддоҳлик, қироатхонлик, қиссахонлик, отунлик, воизлик, бўзахўрлик алёрлари каби санъатларининг тутган ўрни ва педагогик-тарбиявий аҳамияти;

- халқ анъанавий спорти, фарзандлар жисмоний бақувватлиги ва етуклигининг гарови эканлиги, чаққонлик, эпчиллик ва ҳар томонлама

⁶Фармонова М. Қадриятлар—маънавий камолот асоси. Илмий-услубий қўлланма. — Тошкент: “Tasvir nashriyot uyi”, 2019. - 36 б.

гармоник ривожланишнинг синалган воситаси эканлиги;

- болалар ўйин фольклорининг педагогик-тарбиявий аҳамияти;
- халқ оғзаки ижоди жанрлари тарбиясида туризм ва саёҳатнинг, савдо-сотиқ ва тижоратнинг ўрни;
- жисмоний тарбия ва спорт кўникмаларида халқ қизиқарли томоша санъати;
- ахлоқ-одоб ва таълимнинг уйғунлиги ва ўзига хослиги;
- халқ спорт ва жисмоний тарбиясида жинсий тафовутларга аҳамият беришнинг, ахлоқий-ақлий аҳамияти;
- халқ анъанавий педагогикасида табиат ва инсон уйғунлашуви муаммолари;
- табиат ва тарихни эъзозлаш, сақлаш ва қадрлашнинг аҳамияти;
- ҳайвонлар дунёси, қушлар олами ҳамда дов-дарахтлар, ўсимликлар ва гиёҳларга: ер, сув, борлиқ-атрофга инсоний муносабат — халқ оғзаки ижодининг экологик тарбияси асосларининг асоси эканлиги;
- одатлар, удумлар, расм-русмлар, маросимлар, ирим-сиримлар, қарғиш ва олқиш-дуолар, табиат, диний байрамларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти;
- халқ оммавий байрам-сайллари «Наврўз», «Меҳржон» «Ҳайит-рўза», «Ҳайит байрами» ва бошқаларнинг;
- боланинг дунёга келиши, қулоғига азон айтиш, тиш чиқиши, илк қадами, бешикка солиш, биринчи кийим-бош кийдириш, беш, етти кун, ўн бир кунлиги, бир йиллиги, уч, тўрт, беш йиллигининг алоҳида байрам қилиниши;
- мактабга бориши, суннат қилиниши, кокил қўйиш, кокил олдириш, мўйлов оши, уйланиш - никоҳ тўйи, биринчи фарзанд кўриш, қирқ, эллик, олтмиш ёшлар тантаналари, пайғамбар ёши, етмиш, саксон, тўқсон йиллик юбилейлари, кумуш тўй, олтин тўй, марварид тўй ва бошқа байрам-сайллар, тўй-томошалар.

Санаб ўтилган ва бошқа юзлаб удумлар, расм-русмлар, одатлар, маросимлар, анъаналар, бошқача ибора билан айтганда, қадриятлар, халқ педагогикасининг қирралари нақадар кўп ва хўблигини тақозо этади.

Халқ педагогикасининг умрбоқийлиги, ўлмаслиги сабаблардан яна бири унинг авлоддан-авлодга етказиш шаклининг антиқалигидир. Ҳатто халқимиз ҳозиргидек оммавий ахборот воситаларига эга бўлмаган қадим замонларда ҳам халқ педагогикаси халқ оғзаки ижодиёти йўли билан қанот қоққан. Унинг тарбиявий таъсири болаларга она алласи билан сингдириб борилган.

Ўзбек халқининг асрлар мобайнида тўплаган халқ оғзаки ижоди хазинаси ғоят бойдир. У халқимиз маънавий маданиятининг олтин хазинаси ҳисобланади.

Кекса авлод вакиллари ҳаёт тажрибалари асосида тўпланган,

шакланган доно фикрларини қуйи авлодларга оғзаки ҳикоя, эртак, афсона, ривоят, топишмоқ, маталлар шаклида сингдиришга, ҳикматлари билан халқ қалбига кириб боришга интилган. Халқ эртаклари, топишмоқ ва маталлар орқали болаларни ота-оналарининг, катталарнинг маслаҳатларига диққат-эътибор билан қулоқ солишни ўргатган, эртак қаҳрамонларидан намуна олишга ундаган.

Эртаклар фақат болаларгагина таъсир кўрсатиб қолмасдан, балки ота-оналарнинг ўзига ҳам, уларнинг ҳаёт тарзига, қараш ва ишончларига, ахлоқий қиёфаларига ҳам таъсир этади.

Халқ хотирасида сақланаётган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган энг яхши эртак ва дostonлар, мақол ва маталлар ашула ва топишмоқлар болаларни тарбиялайди, яхшиликка, меҳнат қилишга ва ҳақгўйликка ундайди. Халқ оғзаки ижодида инсон ҳаётининг ҳамма қирралари акс этган. Уларда ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш, парвариш қилиш борасидаги йўл-йўриқ ва усуллари ҳам ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда тарбияга таъсир кўрсатувчи халқ оғзаки ижодига бўлган эътибор кучайиб бормоқда.

Халқ оғзаки ижодида болаларни босиқликка, софдилликка, оддийликка ундаш билан бирга, улардаги гердаиш, ичи қоралик, чақимчилик ва бошқа салбий сифатлар қораланган. «Манманлик қилма, нетарсан, обрўйингдан кетарсан», «Сен ўзингни мақтама, сени бировлар мактасин», «Эгилган бошни қилич кесмас», «Мевали дарахтнинг меваси қанчалик кўп бўлса, унинг боши шунчалик пастга эгилади», «Бахилнинг боғи кўкармас», «Бировга гўр қазисанг, ўзинг йиқиласан», «Эгри ўлтириб, тўғри гапир», «Кўрпангга қараб оёқ узат» сингари халқ мақолларида панд-насиҳат ифода этилган.

Кўплаб мақол ва маталларда билимли бўлиш улуғланади, билимсизлик қораланади. «Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар», «Илми йўқнинг кўзи юмуқ», «Илмсиз бир яшар, илми минг яшар», «Кўп ўқиган — кўп билар», «Олим бўлсанг, олам сеники», «Ўқиган ўғил — отадан улуғ» ва ҳоказо.

Ватанпарварлик, ватанни севиш мавзуси ҳам мақол ва маталларда акс этган. Ватанпарварлик каби сифатларни шакллантириш муҳим ўрин тутган. Масалан, «Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл», «Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас», «Элга қўшилганнинг кўнгли тўқ, элдан ажралганнинг бети йўқ».

Оилавий тарбияда халқ оғзаки ижоди анъаналар, эртак, мақол, топишмоқ ва маталлар шаклида ўз ифодасини топган ва у тарбиявий таъсир кўрсатиш воситаси саналиб, тарбиянинг барча қирраларини қамраб олган. Айниқса, инсон ва унинг тарбияси, ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш, боланинг ёш давлари, уларнинг дангасалик ва инжиқликлари, ўйинлари, қизлар тарбияси ҳақида ажойиб матал, мақол, афоризмлар яратилган бўлиб, улар халқ педагогикаси сабоғининг ёрқин намунасидир.

Халқ донишмандлигида ота-оналар ҳақида, уларнинг болалари билан муносабатлари, онанинг маданий, тарбиявий таъсири, донолиги атрофлича ёритилган. Масалан, оилада ҳамма киши бир кишига — отага итоат этган. Отанинг ёки онанинг гапи икки қилинмаган. Отанинг измидан чиқиш, у кишининг буйруғини бажармаслик, отага гап қайтариш, унга тик боқиш гуноҳ ҳисобланган. Фарзанд отага тик боқмаган, отага ёки онага қўл кўтармаган.

Инсонпарварлик, байналмилаллик, ҳушёрлик, зукколик, топқирлик, билимдонлик, укувлики ўзига эътиқод қилиб олган ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрлари айтиш чоғда Шарқ одобномаси, ибратномасидан доимий равишда баҳраманд бўлган, шарқона халқ педагогикаси бойликларидан озиқланган ва унинг энг гўзал намуналарини ўзига қабул қилиб олган. Шундай қилиб, халқ оғзак ижоди — ота-боболаримиз узоқ мозийда яратган ва кўз қорачиғидай асраб авайлаб, сақлаб келган ота мерос, Шарқ халқларининг бой ва бетакрор одобнома ва одатномаси, халқ оғзаки ижоди жанрларидаги энг яхши намуналар, алломалару адабиёт ва фольклор ижодкорлари ва ижрочиларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари, яратган асарлари билан қўшилган ҳолда шаклланганлиги, ривожланганлиги ва бойиб борганлигини эътироф этиш бирдан-бир тўғри йўлдир.

Халқ оғзаки ижоди асрлар давомида яшаб келди. Аждод-авлодларнинг ахлоқий, маърифий шаклланиши ва камолотида, жисмоний баркамоллигида ҳал қилувчи роль ўйнади. Оддий инсонларми ёхуд буюк алломалар, шунчаки фуқароми ва ё юрт султонлари, кичик суворийми ёки улуғ саркардами, барибир халқ томонидан яратилган, амалда бўлган халқона тарбия анъаналарига тўла амал қилган, унга суянган, таянган ҳолда яшаса, фаолият кўрсатса кам бўлмаган, эл-юрт назарига тушган, олқишига сазовор бўлган.

халқ оғзаки ижоди жанрлари тарбиявий аҳамияти бунчалик таъсир кучи, аҳамияти нима-да? Яшовчанлиги, «умри» нинг шунчалар узоқ муддатлар билан ўлчаниши. уни ҳеч қандай куч-қудрат билан тенглаштириб бўлмас-лигининг боиси қаерда? Ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрларнинг узоқ йиллар ўрганишимиз, ҳар бир нуқталарига чуқур диққат-эътибор берганимиз оқибат-натижасида шундай хулосага келдик.

Хулоса ва тавсиялар. Халқ оғзаки ижоди жанрлари асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб, бойиб боришининг, фуқаро, Ватан тақдирида ҳал қилувчи ролининг боиси,

биринчидан, унинг ҳаётийлиги, таъсирчанлиги, серқирра, сермаънолигида бўлса;

иккинчидан, унинг бевосита халқ томонидан мавжуд ҳаёт жараёнида жонли анъаналарда яратилиши, яшаши, ҳаёт, инсон муаммоларини қамраб олиши, тарбиянинг энг долзарб масалалари ечимини ҳал қилишга қаратилгани;

учинчидан, умуминсоний йўналишга, умумбашарий ғоя-

мақсадларга қаратилган бўлганлигидир.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, халқ оғзаки ижоди жанрлари бамисоли жонли организм, қайнар булоқ, ўлмас, ўчмас, доимо бойиб, кўпайиб борувчи илоҳий, мўъжизавий тарбия соҳасидир. Халқ бор экан, эл яшар экан, бу соҳа яшайверади, ўзининг авлод-аждодларга беминнат «хизмати»ни ўтайверади. Зеро, халқ орзу-умиди, қувонч-ташвишлари, ғам-ғуссасию армонлари, шодлик, бахтиёрлик онларию кадр-қимматлари, маънавий-маърифий, бадий-эстетик қарашлари, дунёқараши, фалсафий-ахлоқий тушунчалари, ҳаётий, таълим-тарбиявий хулосалари халқ педагогикасида зуҳр этилади. халқ оғзаки ижоди жанрлари ўзининг йўналиши, ибратли хулосаларга бойлиги, бебаҳо асарлари, маъно-мантиқ жихатдан мукамаллиги, теранлиги, услуби, одобномаси, одатномаси, ибратномаси билан ҳар қандай миллат, эл ҳавас қилса арзийдиган буюк меросдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Миртурсунов З. Ўзбек халқ педагогикаси. - Т.: «Фан», 1973.
2. Мутолипова М.Ж. Халқ педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: 2015.
3. Машриқзамин – ҳикмат бўстони. - Т.: «Шарқ», 1997.
4. Ширинов М.К. Умумий педагогика тарихи. Ўқув қўлланма. - Т.: “Яшил япроқ наширёти”, 2024. - 366 б.
5. Юсупов Э. Маънавий камолот омиллари. - Т.: Университет, 1995.
6. Фармонова М. Қадриятлар – маънавий камолот асоси. Илмий-услубий қўлланма. – Тошкент: “Tasvir nashriyot uyi”, 2019, 36 б.